

ҚАШШОҚЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИНИ ЎРГАНИШ

X.Алиев

Андижон давлат университети география кафедраси мустақил тадқиқотчиси

Ўзбеситон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартағи “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 5975 сонли фармонига асосан иқтисодиётни эркинлаштириш ва бозор механизмларини кенг жорий қилиш тамойилларига асосланган ислоҳотларнинг янги босқичида давлатнинг иқтисодиётдаги ролини камайтириш ва хусусий секторнинг иштирокини кенгайтириш бўйича навбатдаги ишларнинг натижадорлигини ошириш бугунги кунда иқтисодиётни бошқаришнинг аниқ, шаффоф ва натижага йўналтирилган механизмини ишлаб чиқиши тақозо этмоқда [1]. Шу билан бирга, худудларда аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш, хусусан камбағалликни қисқартириш вазифалари кўп жиҳатдан иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларининг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш учун фундаментал шароитларни яратиб бериш ҳисобига янги ва барқарор иш ўринларини ташкил этиш билан бевосита боғлиқдир. Бу, ўз навбатида, иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ислоҳ қилиш ва ривожланишига алоқадор вазирлик ва идоралар фаолияти уйғунлигини таъминлашни, мавжуд муаммо ва тўсиқларни тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этишга асосланган замонавий ва инклузив институционал тизимни жорий этишни талаб этади. 2000-йилда БМТнинг минг йиллик ривожланиш мақсадлари қабул қилинган бўлиб, 2015-йилда камбағалликка қарши кураш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатлар халқаро миқёсда эълон қилинган [5], улардан бири 2025-йилга келиб дунё аҳолисининг даромади кунига 1,25 АҚШ долларидан ошмайдиган аҳоли улушкини икки баравар

камайтириш эди. Ривожланган мамлакатлар ҳар йили энг қашшоқ мамлакатларга асосий ижтимоий хизматлар кўрсатиш учун 15 млрд АҚШ доллари ажратишни бошладилар ва ўз маҳсулотларини импорт қилиш учун ўз бозорларини очдилар. Халқаро Валюта Фонди, Жаҳон банки ва бир қатор етакчи мамлакатлар қайта қуриш ва энг камбағал мамлакатларга молиявий ёрдамлар ажратишни бошладилар.

Сўнгги ўн йилликнинг кун тартибидаги глобал муҳим масалалардан бири бўлган камбағалликка қарши курашиш сўнгги йилларда янада долзарб бўлиб қолди. 1993 йил 17 октябрдан бери ҳар йили нишонланиб келинаётган "халқаро камбағалликни йўқ қилиш қуни" жаҳон банкининг дунёдаги камбағаллик билан боғлиқ вазият тўғрисидаги ҳисботи сентябр ойида эълон қилинган бўлиб, дунё мамлакатларининг етакчи иқтисодиёт раҳбарлари йиллик йиғилишига бағишлиланган [5]. Иқтисодиёти энг ривожланган етакчи давлатлар раҳбарларининг йиллик йиғилишларида бу масала йиғилиш кун тартибида диққат марказида бўлади. Етакчи давлат рағбарларининг йиллик йиғилишлари ҳужжатларида Жаҳон банки камбағаллик ва унга қарши курашиш бўйича кўп йиллик тажрибалари туфайли пандемия даврида йўқолган позицияларини қайта тиклай бошлаганига эътибор қаратди. Камбағалликни камайтириш умумжахон муаммо бўлиб кенг қамровли ёндашувни талаб қиласди Дунёнинг қашшоқ мамлакатларида ўта авж олган камбағаллик кейинги 30 йил давомида барқарор равишда пасайиб бормоқда [5]. 1990-йилларнинг бошларидан бошлаб дунёдаги мутлақ камбағаллик чегараси остида яшовчи аҳолининг улуши 35% дан 8,4% гача камайди. 2020 йил бошида дунёдаги ўта камбағал аҳоли сони 689 миллион кишини ёки дунё аҳолисининг 9,2 фоизини ташкил етган. Бироқ, СОВИД-19 пандемияси ва глобал иқлим ўзгариши туфайли бугунги кунга келиб биринчи марта аҳоли орасида ўта камбағал аҳоли сони яна кўпайди. 2020 йил учун дастлабки тахминларга кўра, Жаҳон банки тадқиқотларига кўра яна 88-115 миллион одам ўта камбағалликка тушиб, уларнинг умумий сонини 703-729 миллионга етишини тахмин қилмоқда [5]. Бундан ташқари, камбағаллик географияси ўрта даромадли мамлакатларда айниқса Африка

давлатларида кенгаймоқда. Камбағалликнинг янги тўлқини биринчи навбатда пандемия пайтида карантин чекловлари туфайли глобал иқтисодий таназзулга боғлиқ бўлиб қолди. Ҳалқаро валюта жамғармаси глобал иқтисодиётнинг 2020 йилда 3 фоизга секинлашиши кузатилди, бу 2009 йилдаги глобал молиявий инқироз даврига нисбатан 2,3% пасайиши демакдир. Натижада, БМТ ҳисобкитобларига кўра 305 миллион тўлиқ иш ўрни 2020 йилнинг иккинчи ярмида йўқолади, бу 2019 йил охирига нисбатан 10,5 фоизга иш ўринлари камайиши демакдир. [5]. Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, пандемия оқибатлари туфайли камбағалликка қарши кураш бутун дунё учун ўта кескин муаммога айланди. Бу муаммо, айни пайтда Ўзбекистон учун ҳам иқтисодий хавф бўлди. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар ташкилоти бош Ассамблеясининг 75-сессиясида сўзлаган нутқида камбағалликка барҳам бериш ва камбағалликни қисқартириш масалаларига қаратиб БМТ бош Ассамблеясининг навбатдаги сессиясининг асосий мавзуларидан бири сифатида нутқ сўзлади. [5]. Ушбу масаланинг долзарблиги 2030 йилга қадар Ўзбекистонда камбағалликни камайтириш стратегиясини ишлаб чиқишида аҳамиятли бўлиб мамлакатимизда бу долзарб муаммони ечимини топишида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишида кўплаб чора тадбирлар ишлаб чиқишини тақозо этади. Хитой дунёдаги энг йирик камбағалликка қарши дастурни амалга ошираётган давлатлардан бири бўлиб [2], Хитой расмийларининг ижтимоий сиёсати яқин келажакда уйғун ривожланиш ва ўртача фаровонлик жамиятига ўтишга қаратилган. Хитой 1990-йиллардан бошлаб иқтисодий ривожланган давлатлардан бирига айланди. Хитой хукумати ижтимоий ҳимоя тизимини янада кучайтишга қаратилган сиёсатни амалга ошириб аҳолининг заиф қатламларини қамраб олди – камбағал қишлоқ оиласари болаларига ("умид" мақсадли дастури), болали ёлғиз аёлларга ("бахт" дастури), ёлғиз кекса фуқароларга ("хавфсизликнинг беш тури") каби иқтисодий ижтимоий қўллаб қувватлаш дастурлари асосида амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда. [3]. Хитой ҳалқ республикаси аҳолиси 2021 йил 31 декабрь ҳолатига 1 млрд 412 млн кишини

ташкил қилиб, шу аҳолини 52,4 % ёки 740 млн кишиси 1978 йилдан 2017 йилгача бўлган давр ичida камбағалликдан чиқсан [2]. Бу кўрсаткич дунё бўйлаб бир вақтнинг ўзида ўта камбағалликда яшашни тўхтатган одамларнинг 70 фоизини ташкил этади. Сўнгги 5 йил ичida Хитойда 68 миллион киши камбағалликдан чиқарилди. Мамлакатнинг иқтисодий танг худудларида қишлоқ аҳолисининг ўртacha йиллик даромади ҳар йили ўртacha 10,4% га ўсиб аҳолининг яшаш тарзи яхшиланиб бормоқда. Хитой Xalқ Respublikasi Давлат Кенгашида камбағалликка қарши кураш бўйича қўмита мавжуд бўлиб, у миллий иқтисодиёт дастурини амалга оширишни мувофиқлаштиради. Хукумат камбағалликка қарши курашиш учун суғурта, инвестиция, ижтимоий ёрдам масалалари бўйича маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва ҳисбот бериш каби ишларни амалга ошириб муаммоларни ўрганиш тизимини яратган бўлиб аҳолини ижтимоий иқтисодий муҳофаза қилиш масалалари Хитой хукуматининг доимий назоратига олинган. 2004 йилдан бери мамлакатда универсал соғлиқни сақлаш тизими ўрнатилган ва давлат суғурта тизими аҳолининг 95% дан ортигини қамраб олган бўлиб аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда. Дастурда мамлакатнинг энг қашшоқ худудларида камбағалликни қисқартиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хитойда камбағалликка қарши кураш инвестициялар ва иқтисодиётнинг алоҳида тармоқларини иқтисодий ривожлантиришда, бандликни рағбатлантириш ва саноатни жойлаштиришни оптималлаштиришда мақсадли ёрдамга таянади. 2016 йилдан Хитой хукумати қишлоқ хўжалигини ривожлантириш банки қишлоқ жойларида камбағалликни қисқартириш бўйича беш йиллик режа учун тахминан 460 миллиард АҚШ доллари ажратган бўлиб бу маблағларни аҳолининг муҳтоҷ қатламига йўналтирилган [4]. Бундан ташқари, Хитой давлат корпорациялари мамлакатнинг камбағал худудларида маҳаллий ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги ва саноатни, биринчи навбатда кончиликни ривожлантиришни қўллаб-кувватлаш учун 1,82 миллиард долларлик инвестиция фондини яратди ва соҳаларни ривожлантиришга йўналтирди.

Хитой қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, қишлоқ жойларда ер ислоҳотлари, ҳосилдорликнинг ўсиши ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини рентабиллигини ошириш учун суғориш инфратузилмасини такомиллаштиришга қишлоқларни ривожлантириш учун қаратилган кенг кўламли чора-тадбирларни ишлаб чиқиб амалиётга тадбиқ қилди. Қишлоқ жойларда аҳоли учун юқори сифатли ичимлик суви таъминотини яхшилаш, тиббий хизмат кўрсатиш, шунингдек, аҳолининг Internet тармоғидан фойдаланиш қамровини кенгайтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Қишлоқ жойларга кадрлар оқимини рағбатлантириш, қишлоқ аҳолисини ўқитишини ташкил этиш, Марказий давлат аппарати ходимлари ва партия ишчиларини ривожланмаган чекка қишлоқларга сафарбар қилиш сиёсатини амалга ошириб, ҳукумат қарорларини бажарилишини қаттиқ назорат остига олинган. Масъул ходимларни уй жой билан таъминлаш, қишлоқ ўқитувчиларига субсидиялар учун маблағлар ажратиш орқали қишлоқ жойларда таълимни ривожлантиришга, аҳолини саводхонлигини оширишга, миллий хунармандчиликни ривожлантиришга, инфраструктурани яратишга алоҳида эътибор бериб аҳолини яшаш тарзини яхшиламоқда. Шаҳарларда камбағалликни бартараф этиш, янги иш ўринлари сонини яратиш ва уни аҳолининг билим даражасини, касб малакаси ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш билан боғлиқ масалаларга катта эътибор бермоқда. Қишлоқ жойларда камбағалликни бартараф этиш муаммоси шаҳар агломерациясини кенгайиши ва аҳолини қишлоқлардан шаҳарларга кўчиши билан ҳам изоҳланади. Кейинги ўн йил ичida Хитой ҳукумати 250 миллион қишлоқ аҳолисини шаҳарларга кўчириш ва аҳолини яшаш тарзини яхшилаш масаласини амалга оширишни режалаштироқда. Камбағалликка қарши курашнинг Европа модели ривожланган мажбурий суғурта тизимиға асосланади [4]. Унга кўра, инсон қанча узоқ меҳнат қилган бўлса, унинг ижтимоий ҳимоя даражаси шунча юқори бўлади (кўпроқ имтиёзлар, имтиёзлар миқдори юқори). Ушбу model Германия, Нидерландия, Франция каби мамлакатлар учун хосдир. Жанубий Европа мамлакатларида, бюджетдан ижтимоий нафақалар ва

субсидиялар ажратиш ишлари амалга оширилиб келинмоқда. Аҳолининг моддий даромади ва турмуш шароитлари бўйича Европа Иттифоқи статистика маълумотларига қўра, мамлакат даромад олувчи аҳолиси жами аҳолининг 60%дан кам бўлса ўша мамлакат камбағал мамлакатлар гурухига қабул қилинган. Бу гурух ёлғиз оналарни ўз ичига олади, таълим олаётган ёшлар, пенсионерлар, мухожирлар, ва ишсизлар шулар жумласига киради. Камбағалликни иқтисодий ўсиш ва ижтимоий тараққиётга тўсиқ деб ҳисоблаб, Европа Иттифоқи турмуш даражаси паст кишилар сонини 20 миллион кишига камайтиришни режалаштирган бўлиб уни амалга ошириш чора тадбирларини ишлаб чиқсан. Бу ижтимоий сиёсатни амалга ошириш учун аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш миллий дастурларни амалга ошириб келмоқда. Ижтимоий ҳимоя дастурлари асосан бюджет маблағлари ҳисобидан, шунингдек иш берувчилар тадбиркорлар ҳисобидан молиялаштирилмоқда. Скандинавия мамлакатларида ижтимоий ҳимоянинг энг инклузив модели шаклланди. Скандинавия мамлакатлари аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурлари аҳолининг барча қатламларига стандарт ойлик маош ва ҳар-хил даромадли хизматларни тақдим этади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг тажрибаларини мамлакатимизда жорий қилиш орқали аҳолини иқтисодий муҳтож қатламларини қамраб олиш чора тадбирларини амалга ошириш Ўзбекистон учун айнан мос келади. Мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш сиёсати ташаббускори Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан доимий равишда қўллаб-куватланмоқда, бундай ҳалқчил сиёсат мамлакат фаровонлиги учун жуда муҳим сиёсатdir.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбеситон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 марта ги “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 5975 сонли фармони.
2. А. В. Бояркина. 2013-2020 йилларда "Инсониятнинг умумий тақдири ҳамжамияти" ғояси контекстида Хитойда камбағалликка қарши кураш. // Жаҳон сиёсати. 2021. № 3. С. 63-82.
3. Ишмуратова Хитойда камбағалликка қарши кураш: тарихий тажриба, муаммолар, истиқболлар. // Замонавий иқтисодиёт муаммолари. 2014. 3 (51). 287-291 бетлар. B. G.
4. У Гуангвен. Қишлоқларга ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик механизми ва уни тушунтириш. // Самарадорлик, молиявий назария ва амалиёт. 2007. 4-сон. Р. 3-8.
5. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг статистика комиссияси (UNSC) бюросининг техник ҳисоботи 2015 йилдан кейинги ривожланиш кун тартибининг мақсадлари ва мақсадлари учун кўрсаткичлар базасини ишлаб чиқиши. // Барқарор ривожланиш бўйича билимлар платформаси. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (19 Март 2015). УРЛ: <https://sustainabledevelopment.un.org/content/documents/6754Technical%20report%20>